

ТОЛАЛИ МАХСУЛОТЛАРНИНГ СИФАТИНИ БАХОЛАШ УСУЛАРИ

Тургуналиев Элбэк

ПХД дотсен

Убайдуллаева Азиза 2-курс талабаси

Абстракт: Ушбу ишда пахта толаларининг сифатини текшириш, уларнинг асосий кўрсаткичлари асосида умумий хулоса чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш жараёни учун мувофиқ қарор қабул қилиш масалалари кўриб чиқилади. Тадқиқот доирасида толалар сифатини баҳолашда қўлланиладиган турли усуллар, жумладан дифференциал, инструментал, органолептик, эксперт, социологик ва ҳисоблаш усуллари таҳлил қилинади. Шунингдек, сифатни дифференциал, комплекс ва аралаш баҳолаш ёндашувларининг афзаллик ва камчиликлари ўрганилиб, мазкур масала учун энг самарали ва қулай баҳолаш усулини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилган. Натижада пахта толаларининг сифатини ишончли баҳолаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи илмий-амалий хулосалар шакллантирилади.

Калит сузлар: Дифференциал, инструментал услуб, органолептик услуб, эксперт услуби, социологик услуб, ҳисоблаш услуби, сифатни дифференциал баҳолаш услуби, сифатни комплекс баҳолаш услуби, сифатни аралаш баҳолаш услубию

Abstract: This study examines the assessment of cotton fiber quality, drawing general conclusions based on fiber characteristics, and providing overall recommendations for production processes. Within the research, various methods for evaluating fiber quality are analyzed, including differential, instrumental, organoleptic, expert, sociological, and computational methods. In addition, the advantages and disadvantages of differential, comprehensive, and mixed approaches to quality assessment are considered, with particular emphasis on identifying the most effective and practical method for this task. As a result, scientific and practical conclusions are formulated to ensure reliable evaluation of cotton fiber quality and to improve production efficiency.

Keywords: differential method, instrumental method, organoleptic method, expert method, sociological method, computational method, differential quality assessment, comprehensive quality assessment, mixed quality assessment.

Мамалакатимиз иқтисодиётида пахтачилик ва пахта тозалаш саноатининг салмоғи катта. Пахтачилик соҳасини ривожлантириш, пахта тозалаш корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва пахта хом ашёсини қайта ишлаш рентабеллигини, шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш бўйича комплекс чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Чунки пахта ва унинг маҳсулотларига бўлган талаб доимо ортиб бориши пахта тозалаш саноатида замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш давомида пахта ва чигитли пахтанинг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этади[1].

Пахта маҳсулотлари ва бошқа турдаги маҳсулотларнинг сифатини баҳолаш, унинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва ўлчаш ишлари бўйича олинган натижалар ҳамда стандарт ва меъёрий-ҳужжатларга солиштирилгандаги баҳосига асосланган бўлади. Чунки, маҳсулот хоссаларини аниқлаш услублари асосан стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда батафсил келтирилган бўлади.

Пахта маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг бир қанча услублари мавжуд бўлиб, уларга инструментал, органолептик, эксперт, социологик, ҳисобланган, дифференциал, комплекс ва аралаш кабилар киради.

Инструментал услуб - Пахта маҳсулотлари хоссаларини ўлчаш йўли билан (инструментал услуб) ёки нуқсонларнинг сонини ҳисоблаш ва санаш йўли билан олинади.

Органолептик услуб - инсоний танасининг ҳислари ва сезгирлигига қараб, ҳамда синалаётган маҳсулотларини эталонга солиштириш йўли билан сифат кўрсаткичлари аниқланади. Бу услуб ёрдамида тўқимачилик материалларининг сифатига тўғри баҳо бериш кераклиги, ҳамда мутахассисларнинг малакасига ва билим савиясига кўпроқ боғлиқ бўлади. Чунки, мутахассисларнинг хулосасига қараб маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи белгиланади.

Эксперт услуги - Пахта маҳсулотлари ва буюмларининг сифат кўрсаткичларининг сони 7 тадан 12 тагача ташкил топган мутахассис-экспертларнинг баҳоларига асосан аниқланди ва улар кичик-кичик гуруҳчаларни ташкил этади ҳамда баҳолашда экспериментал ва органолептик услублардан ҳам фойдаланилади. Экспертлар талаб субъектининг баҳосини камайтириш ишларини қуйидаги тартибда амалга оширади. Бошланишида экспертлар бир-бирига боғлиқсиз равишда маҳсулот сифатини қайд этади, кейин эса биргаликда муҳокама қилади ва ҳар бир эксперт ўзининг хулосасини билдиради, ҳамда олинган умумий эксперт-мутахассисларнинг хулосаларидан кейин маҳсулотнинг сифатига янги баҳо беради.

Олинган аниқ натижа кўрсаткичлари мутахассис-экспертларнинг камида уchtасининг овоз бериш натижасига қараб баҳоланади. Ундан ташқари, овоз бериш натижалари учтадан кўпроқ бўлишлиги ҳам мумкин. У мутахассисларнинг билим даражаси ва малакасига боғлиқ бўлади. Сифат босқичи бўйича тўқимачилик материаллари аттестасияланади ва мутахассис-экспертларнинг ўзаро овоз бериш тартибига биноан хулоса чиқарилади. Агар маҳсулот сифатли деб топса, унда шу маҳсулотга сифат белгиси берилади[2].

Социологик услуб - истеъмолчиларнинг таклиф ва мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи баҳоланади.

Бу ерда асосий эътиботи тўғри ва аниқ маълумотларни йиғишга қаратилади ҳамда сифат кўрсаткичларини баҳолаш бўйича етарли даражадаги хулосага эга бўлиши шарт. Акс ҳолда маҳсулот сифатига салбий тучунчани келтириб чиқариш мумкин.

Ҳисоблаш услуги - Пахта маҳсулотлари сифат кўрсаткичларини ва тузилиши кўпгина омилларга, масалан, технологик жараёнларнинг таъсири ва шу билан биргаликда бошланғич материал хоссаларига боғлиқлиги ҳисоблаб чиқилади. Бу услуб пахта маҳсулотлари сифатини ва технологик жараёнлами лойиҳалашда кенг қўлланилади.

Пахта маҳсулотлари сифат кўрсаткичларини баҳолашда ишлатилган барча услублардан турли якуний хулосалар келиб чиқади, шу сабабли маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини баҳолашда дифференциал, комплекс ва аралаш услублар ишлатилади.

Сифатни дифференциал баҳолаш услуги - маҳсулотнинг алоҳида хоссалари, ҳамда буюмламинг нуқсонли бўлган қисмларининг ўлчамсиз кўрсаткичлари бўйича сифатни баҳолаш ишлари амалга оширилади, шу билан биргаликда комплекс ва аралаш сифатни баҳолаш услублари ҳам мустақил равишда ишлатилади. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари бўйича нави, синфи, гуруҳи ва бошқа сифат кўрсаткич натижаларининг оралиғи аниқланади ҳамда умумий йиғиндили индекси, коэффициентлар ёки кўрсаткичлари ҳисобланади.

Сифатни комплекс баҳолаш услуги - сифатнинг алоҳида кўрсаткичлари бўйича материални биргаликда баҳолаш ишлари баъзида материалнинг битта кўрсаткичида бир қанча комплекс асосий хоссаларини умумий баҳолаш кераклигини келтириб чиқаради.

Маҳсулот сифат кўрсаткичлари комплекс баҳолашнинг моҳиятига боғлиқлиги ҳақиқий ва тақрибий комплекс баҳолашга бўлинади.

Ҳақиқий комплекс баҳолаш ҳар доимий тақрибий баҳолашга нисбатан яхшироқдир. Масалан, пахта толаси таркибидаги нуқсон ва чиқиндилар миқдори ҳақиқий комплексли хусусияти дейилади.

Комплекс баҳолашнинг афзаллиги шундаки, унда бир сонли якуний баҳолаш бўйича хулоса қилинади. Шунини унутмаслик керакки, у ёки бу сифатни комплекс баҳолашни алоҳида сифат кўрсаткичларини турли ҳисоблашдан олиш мумкин. Бир қанча сифат кўрсаткичларининг даражаси бўйича ўртача комплекс баҳолаш ўзгармаслиги мумкин, уларнинг бир қисми пастки даражага, бир қисми юқори даражага эга бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, материалнинг алоҳида сифат кўрсаткичларини ўзгартирмасдан комплекс баҳолашни тўлдириб бориш мумкин.

Сифатни аралаш баҳолаш услуги - сифатни аралаш баҳолаш услуби жами сифат кўрсаткичлари жуда юқори бўлгандагина ишлатилади, битта комплекс сифат кўрсаткич маҳсулотнинг бутун имкониятларини тўлиқ характерлашга имконияти етмайди.

Аралаш баҳолаш услубида бир қанча комплексли баҳолаш ёки алоҳида дифференциал билан комплекс баҳолаш биргаликда ишлатилади, ҳамда маҳсулотнинг сифат босқичини, навини ва бошқалами олишга имконият туғдиради. Пахта маҳсулотлари учун баъзида комплекс сифат

кўрсаткичларидан энг ёмони бўйича баҳоланади, кейин эса бу баҳони бошқа кўрсаткичларинг қийматлари бўйича аникдаштирилади.

Сифатни комплекс баҳолаш услуби бу менимча энг йахши ва самарали услуби чунки бу усул оркали толаларнинг сифат курсатгичи аникланади. Тўлик толалар оркали текшириш бу сифатнинг тахлил учун кулай имкони яратади. Сифат кўрсаткичини бир неча усулда текшириш мумкин бўлади. Ва кўрсаткичларни ошириб бориш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахмедходжаев Х.Т. Повышение эффективности рабочего процесса пневмотранспортирования хлопка-сырца в хлопкозаводах: Автореф. дис. канд.техн.наук. -Ташкент, 1981.- 18 с.
2. Джумабаев А.Б. Методологические основы исследования и разработки антифрикционных материалов рабочих органов машин хлопкового комплекса: Автореф. дисс. док.тех.наук. - М.: 1990, -36 с.
3. Джумабаев А.Б. Трение и повреждаемость хлопка. - Ташкент: «Стандарт», -2011, - 276 с.
4. Зиямухамедова У.А., Дусткобилов Э.Н., Аширова Л.В. Новые технологические методы сохранения природного свойства хлопкового волокна с применением композиционных полимерных материалов // STANDART. -Ташкент, 2009. - № 4. - С.23-25